# ЭСТРАДА ҚЎШИҚЛАРИ

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1976

П 9
Э87

# ПАХТАЗОРГА ПАРВОНАЛАР

## Аёл хонанда учун

Е. Мирзо шеъри

**Moderato**

И. Ҳамроев музикаси




© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976 й.

Инв. № 115480


mf
«Бу гул-шан-нинг боғ-бо-ни ким?»
де-сам, қиз-лар
mf
у-ё- ла- дир.
Де-сам,қиз-лар
1.
2.
у-ё- ла- дир.
дир.
cresc.
f


f
A.
f
Пах-та-зор-га пар-во-на-лар,
бо-тир, су-лув, мар-до-на-лар,


мар-до-на-лар, сиз ун-ди-риб
дур-до-на-лар, я-рат-дин-гиз
аф-со-на-лар.
1.
2.
лар,
лар.
Тамомлаш учун
p
A.
p




Пахта эмас, оқ лоладир,
Дурга тўлган пиёладир.
«Бу гулшаннинг боғбони ким?»
Десам, қизлар уёладир.

Нақарот:

Пахтазорга парвоналар,
Ботир, сулув, мардоналар.
Сиз ундириб дурдоналар,
Яратдингиз афсоналар.

Ой ботмасдан уйғонади,
Сочи белда чулғонади.
Ҳар ниҳолни асраб жондан
Ишқи бирлан тўлғонади.

Нақарот.

Юлдуз борми чаноқларда?
Кун жилоси ёноқларда.
Гўзал қизлар! Йигитларни —
Қолдирманглар қийноқларда.

Нақарот.

Пахтазорга парвоналар,
Ботир, сулув, мардоналар.
Сиз ундириб дурдоналар,
Яратдингиз афсоналар.

# ЁШЛИГИМ — ГУЛБАҲОРИМ.

Ў. Рашид шеъри

М. Юсупов музикаси




шӯх қуш ка - би у - ча - ман,
(жо - ней.)
Allegretto
шӯх қуш ка - би у - ча - ман.
p
mf
Ба - ҳор мен - га ӯх - шай - ди,


У мен би-лан- я-шай- ди.
Ба-ҳор мен-га ўх-шай- ди,
у мен би-лан я-шай- ди.
(жон)
(ёр)


(ёр)
(ёр)
Қа - ни эн - ди
йил бў - йи,
у кет - мас - дан тур - сай -
- ди.
(о)
p
Қайтариш учун
У кет - мас - дан тур - сай -
ди.




Боғда гул чаман-чаман,
Мен гулларни қучаман.
Завқ-ла очиб қулочим,
Шўх қуш каби учаман.

Баҳор менга ўхшайди,
У мен билан яшайди.
Қани энди йил бўйи,
У кетмасдан турсайди.

Ёшлик ҳам бир гулбаҳор,
Унда баҳор ҳусни бор.
Қуёш уни эркалар,
Кулиб боқар ҳар наҳор.

Гўзалликдир ўртоғим,
Очиқ унга қучоғим.
Ҳеч нарсага бермайман,
Бу ширин ёшлик чоғим.

# ҚАЛБИ ДАРЁ

П. Мўмин шеъри — М. Юсупов музикаси




Хат - ла - ри - га жа - воб ё - зиб ту - рар - дим,
го - ҳо у - ни туш - ла - рим - да кў - рар - дим.
Кў - рин - май - ди
ҳат - то э - шик ол - ди - да,
кў - рин - ган - дай




Бир йигит бор, йигитларнинг сараси,
Уйларимиз учта ҳовли ораси.
Уч кун бўлди келганига олисдан,
Кўринмайди не сабабдан қораси.

Хатларига жавоб ёзиб турардим,
Гоҳо уни тушларимда кўрардим.
Кўринмайди ҳатто эшик олдида,
Кўрингандай бўлса аҳвол сўрардим.

Сирдош қизлар мени табрик этишар,
Баъзилари сўзлар отиб кетишар.
Пайқашмайди қалбимдаги оловни,
Ёнган дилга олов сочиб кетишар.

Келмаса у ўзим бориб келайми?
Борлигимдан унга хабар қилайми?
Қалби уни мунча дарё бўлмаса,
Бирортадан кўнгил сирин билайми?

# ОЙДИН ЙЎЛ

О. Мухторов шеъри

Д. Сайдаминова музикаси




Тут- гил қўл-ла-рим-
ни... Сев- ги-га, дил- бар, сев- ги-га дил-бар,
му-но-сиб бўл!
Ер- ни ю-ва- ё-тир нур би-лан ос-


мон, ча-ро- ғон-дир бу-гун ўн-гу сўл.
Ё-руғ кун-га, кун-га,
нур-га ҳар қа-чон, нур-га ҳар қа-чон,
му-но- сиб бўл!

Оламда бир-бирин танласа диллар,
Гўзалдир берилса қўлга қўл.
Тутгил қўлларимни...
Севгига, дилбар,
Севгига, дилбар,
Муносиб бўл!

Ерни юваётир нур билан осмон,
Чароғондир бугун ўнгу сўл.
Ёруғ кунга,
Нурга ҳар қачон,
Нурга ҳар қачон,
Муносиб бўл!

Бугун кўзларимда оқар чаманзор,
Чорлар қайиқ. Чорлар ойна кўл.
Севги инсон малоҳати...
Бу чиройга, ёр,
Бу чиройга, ёр,
Муносиб бўл!

Дейдиларки, йўлга ўхшар одатда ҳаёт,
Олис йўл. Ойдин йўл.
Йўлдош бўлдинг, жоним, энди
Йўлга умрбод,
Йўлга умрбод,
Муносиб бўл!

БИБЛИОТЕКА
115480

# МАНГУ ОЛОВ

Ҳ. Муҳаммад шеъри

Д. Сайдаминова музикаси




ман - гу о - лов ё - нар — ман - гу ўт ё - нар.
Оқ - қўр - ғон шаҳ - ри - да, Оқ - қўр - ғон бағ - ри - да
у - руш - дан қайт - ма - ган фар - зан - дин ўй - лаб,
кў - зи - дан ёш қал - қиб ў - тар о - на - лар. Ман - гу о - лов ё - нар —


con moto
ман - гу ўт ё - нар.
О - лов - мас бу. Йўқ! Йўқ! — Бе - на - сиб ви - сол,
бе - жа - воб са - вол, ин - ти - зор о - на,
ин - ти - зо - р о - на, у - мид - вор а - ёл.


О - лов - мас бу. Йўқ!
Йўқ!— Бе - на - сиб ви - сол, бе - жа - воб са - вол,
ин - ти - зор о - на. Йўқ!
Йўқ! О - лов - мас бу. Йўқ!—


Син -ма -ган ду - тор,
сўл - ма - ган ба - ҳор,
бах - ти - ёр гў - дак,
1
бе - ғу - бор на -
- ҳор.
2
Мар - до - на ю - рак.

Оққўрғон шаҳрида,
Оққўрғон бағрида
Мардларнинг номини йилларга сўйлаб,
Мангу олов ёнар — мангу ўт ёнар.

Оққўрғон шаҳрида,
Оққўрғон бағрида
Урушдан қайтмаган фарзандин ўйлаб,
Кўзидан ёш қалқиб ўтар оналар.

Мангу олов ёнар —
Мангу ўт ёнар,
Оловмас бу. Йўқ! Йўқ! — Бенасиб висол,
Бежавоб савол,
Интизор она,
Умидвор аёл.

Йўқ! Йўқ! Оловмас бу —
Синмаган дутор,
Сўлмаган баҳор,
Бахтиёр гўдак,
Беғубор наҳор.

Ватаним бағрида,
Қишлоғу шаҳрида
Мардларнинг номини йилларга сўйлаб,
Мангу олов ёнар — мангу ўт ёнар.

Оловмас бу. Йўқ! Йўқ! — Бошин эгмаган,
Ёвга қулмаган,
Ўлим билмаган,
Мардона юрак.

# ОР ЭТМА

Э. Воҳидов шеъри

В. Зудов музикаси

Tempo di valse Adagio




ёр эт - ма, ёр эт - ма.
Мен - ку
mf
со- дик ку- линг - дур - ман ум - рим сен- га фи - до,
со - дик кул - ни хор эт - ма, хор эт - ма.
f
Эй. Йўл - ла - ри- инг - га
f


тер-мил-ди кўз-ла-рим, тер-мил-ди кўз-ла-рим,
sub. p
кўр-сам гў-за-лим, қо-чар сўз-ла-
sub p
рим, де-во-на деб ор эт-ма, ор эт-ма.
mf
1.
2.
эт-ма.

Ёр, васлингга зор этма, зор этма,
Ох, ҳажрингга ёр этма, ёр этма.
Мен-ку содиқ қулингдурман, умрим сенга фидо,
Содиқ қулни хор этма, хор этма.
Йўлларингга термилди кўзларим, термилди кўзларим,
Кўрсам, гўзалим,
Қочар сўзларим,
Девона деб, ор этма, ор этма.

Висолингга зор этма, зор этма,
Ҳижронингга ёр этма, ёр этма.
Ошиғингман, дедим, дунёни, эй дилбар,
Кўзларимга тор этма, тор этма.
Йўлингга термилди кўзларим, термилди кўзларим,
Кўрсам, гўзалим,
Қочар сўзларим,
Девона деб, ор этма, ор этма.

# ВОДИЙ ДУРДОНАСИ

Ҳ. Шарипов шеъри

Ғ. Қодиров музикаси

Allegretto





тоғ - лар - га қад - дин, кўр - кин кў - рар - лар кўр - кам чи - нор - да.
ҳар зар - ра шар - бат, ё - қут - га ўх - шаб яш - нар а - нор - да.
ten.
(a)
f
mf
Ёр қал - би соч - ган ҳар зар - ра шар - бат,
mf
Кайтариш учун
ё - қут - га ўх - шаб яш - нар а - нор - да.




Кулган баҳорда, ёрқин наҳорда,
Офтоб туғилгай бизнинг диёрда.
Фарғона дерлар, дурдона дерлар,
Мардона тургай доим қаторда.

Таққос этарлар тоғларга қаддин,
Кўркин кўрарлар кўркам чинорда.
Ёр қалби сочган ҳар зарра шарбат,
Ёқутга ўхшаб яшнар анорда.

Покиза юзлар офтобга ўхшар,
Қолмас бу офтоб асло ғуборда.
Фарғона дерлар, дурдона дерлар,
Мардона тургай доим қаторда.

Дилларда завқ бор, қўлларда қудрат,
Бир яйрашайлик кенг пахтазорда.
Қўнгилда борин куйланг, азизлар,
Мен жўр бўлурман янгроқ дуторда.

# ҚЎШ ЧИНОР

Ҳ. Ғулом шеъри

Икр. Акбаров музикаси




чи - нор,
бир - би - ри -
- га
ин - ти -
лар
гӯ - зал
қӯш
чи - нор,
қӯш
чи - нор.
Жо - ним,
сен би -


-лан биз - га ўх - шай - ди у -
- лар, бир - би - ри - нинг бағ - ри - га қўй - са
бош чи - нор, қўй - са бош чи - нор, чи - нор,
қўй - са бош чи - нор,


чи - нор. Ик - ки
ёш чи - нор, чи - нор,
гў - зал қўш чи - нор, чи - нор.
Гў - зал қўш чи - нор,


Қайтариш учун
қўш чи - нор.
Тамомлаш учун
У - лар.
Гў - зал
қўш чи - нор,
қўш чи - нор.
mf



Сойнинг икки ёнида икки ёш чинор,
Бир-бирига интилар гўзал қўш чинор.
Жоним, сен билан бизга ўхшайди улар,
Бир-бирининг бағрига қўйса бош чинор.

Икки ёш чинор,
Гўзал қўш чинор.

Улар ўсар, улғаяр, бирлашар, яшнар,
Жоним, сен билан бизга бир хитоб ташлар:
Муҳаббат, саодатнинг қадрига етинг,
Биздан андаза олинг, беқарор ёшлар!

Биз ҳам ёш чинор,
Гўзал қўш чинор.

61 т.


*На узбекском языке*

**ЭСТРАДНЫЕ ПЕСНИ**

Составитель Зудов В. Қ.

***Книга издана по оригиналу-макету***

Редактор *М. Махмудов*
Муз. редактори *С. Варелас*
Бадиий безатувчи *М. Рейх*
Бадиий редактор *А. Бобров*
Техн. редактор *А. Саитова*
Корректорлар: *М. Қудратова, Ф. Хуснутдинова*
Нотогравер *М. Юнусова*

Босишга рухсат этилди 1/III-1976 й. Формати 60×90¹/₈. Босма л. 4.5. Нашр л. 5,1. Тиражи 1000. Р-09389. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 20—75.

Индекс К $\frac{20307-220}{352(06)-76}$ 211—76 (пер.)

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича давлат комитетининг 2-босмахонасида литография қоғозига босилди. Янгийўл шаҳар, Самарқанд кўчаси, 44. 1976 й. Заказ № 100. Баҳоси 61 т.